



Жаҳон фонд бозорига чиқиш имкониятлари

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси кўмагида АКШ Ситибанкининг бир гуруҳ экспертлари томонидан маҳаллий мутахассисларнинг халқаро молия бозорларида ишлаш борасидаги малакасини ошириш бўйича тренинг ўтказилди.

Унда йирик компаниялар раҳбарлари, фонд бозори иштирокчилари, тегишли вазирлик-идоралар, тижорат банклари вакиллари иштирок этишди. Тренинг жорий йилнинг сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларида олий даражадаги ташриф якунлари бўйича эришилган келишувлар ижроси доирасида ташкил этилди. Унинг доирасида Ситибанк вакиллари билан ўтказилган ишчи учрашуларда банк-молия соҳасини ривожлантириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, қимматли қоғозларнинг фонд бозорига жозибadorлиги ва

ликвидлигини кўтаришнинг самарали воситаларидан фойдаланиш, Ўзбекистон капитал бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш юзасидан келишувларга эришилганди.

Семинар-тренингда Ситибанк бошқарувчи директорлари, жумладан Кайҳан Копмаз ва Армин Линдтнер сўзга чиқди ҳамда иштирокчилар билан халқаро молия бозорларида ишлашнинг инновацион усуллари билан ўртоқлашди. Улар томонидан биржа савдоси соҳасида эндигина иш бошлаётган ва тажрибали иштирокчилар ҳам дуч келадиган асосий масалалар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, қарз ва акциядорлик воситаларининг эмиссиясини ташкил этиш, шу жумладан, акцияларни фонд бозорига биринчи бор чиқариш, депозитар тилхатларини чет эл фонд биржаларида қимматли қоғозлар савдоси воситалари сифатида чиқариш, шунингдек, қимматли қоғозлар эмиссиясининг ҳуқуқий хусусиятлари

ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ситибанк вакиллари билан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида ҳам учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Вячеслав Пак, Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси бош директори Отабек Назиров, “Ўзбекистон Республика валюта биржаси” АЖ бош директори Рашид Усмонов, “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ бошқаруви раиси Шерали Абдужабборов, “Тошкент” республика фонд биржаси” АЖ бошқаруви раиси Георгий Паресишвили ҳамда Ситибанкнинг эмитент хизматлари бўйича бошқарувчи директори Эйден Дагт, глобал депозитарий рисклар бўйича директори Михаил Клочков, корпоратив банк фаолияти бўйича директори Жейсон Зуло қатнашди.

Муҳокамалар глобал депозитар тилхатлари ва глобал депозитар но-

таларини муомалага чиқариш йўли билан хорижий инвестицияларни жалб этиш, Ўзбекистон компанияларининг халқаро IPOга чиқиши, халқаро инвесторларнинг Ўзбекистондаги корпоратив облигациялар бозорига қизиқишини ошириш ва бошқа масалаларга қаратилади. Ситибанк вакиллари агентлик томонидан Regulation.gov.uz. сайтида жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган тартибга солувчи қумдон тўғрисидаги низом лойиҳаси бўйича ижобий фикрларини, уни такомиллаштириш борасидаги таклиф-тавсияларини билдиришди. Томонлар Ўзбекистон капитал бозорига хорижий инвесторларни янада жалб қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ситибанкнинг Марказий банкда валюта ҳисоб рақамларини, шунингдек, валюта биржаси ва Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар ҳисобварақларини очиш юзасидан фикр алмашдилар.

Ойдин ЛАТИПОВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Рақобат муҳитини баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармонида мувофиқ иқтисодиётда рақобат муҳити ҳолатини баҳолаш бўйича Рақобат ривожланиши индекси жорий қилинган ва Рақобатни ривожлантириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Стратегик шериклик истиқболлари

қўмитаси томонидан Индексни ҳисоблашнинг вақтинча методикаси ишлаб чиқилган эди.

Индекс қуйидаги асосий баҳолаш йўналишларини назарда тутди:

– товар ва молия бозорларидаги рақобат муҳити, мазкур бозорларга кириш учун тўсиқларнинг бартараф этилганлиги, энергия ресурсларидан ишончли ва барқарор фойдаланиш имконияти ҳамда ушбу ресурслар билан таъминланганлик ҳолати, хусусий мулк дахлсизлиги ва ер муносабатларининг ривожланганлиги, транспорт ва коммуникация тармоқларидан (шу жумладан, интернет) фойдаланиш, муқобил транспорт воситаларининг ўзаро

боғлиқлиги ва ривожланганлиги, шу жумладан, логистика самарадорлиги.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, индексни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этувчи вазирлик ва идораларнинг рўйхати тасдиқланади.

Рўйхатда назарда тутилган вазирлик ва идоралар ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли маълумотларни Рақобат қўмитасига тақдим этади.

Тақдим этилган маълумотлар ҳамда Методика асосида Рақобат қўмитаси иқтисодиётда рақобат муҳитини баҳолаб боради.

Рақобат қўмитаси ҳар йили 1 июнга қадар аввалги ҳисобот йили бўйича Индексни ҳисоблаш натижа-

лари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот бериб боради.

Индексни ҳисоблаш натижалари Рақобат қўмитасининг расмий веб-сайти ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

Индексни ҳисоблаш ишлари Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари маркази томонидан амалга оширилади.

Индексни юритиш билан боғлиқ барча харажатлар Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

ДАСТУРИЙ
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ
НИМА УЧУН КЕРАК?

2

ЯНГИ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИ:
МАЖБУРИЯТЛАР АНИҚ
КЎРСАТИЛМОҚДА

3

СЎНГИ ЙИЛЛАРДАГИ
ХАЛҚАРО
СТАТИСТИКАДАГИ

ЯНГИЛИК ВА
ЎЗГАРИШЛАР

4

ФОРУМ,
ОБЪЕДИНЯЮЩИЙ
ДЕЛОВЫЕ ИНТЕРЕСЫ
СТРАН

7

РОЛЬ ПЕРВИЧНОГО
ЗВЕНА В ОКАЗАНИИ
ПОМОЩИ БУДУЩИМ
МАТЕРЯМ

8

Курс валют на
12.12.2023

USD	12327.01
EUR	13272.49
RUB	135.42
CNY	1716.76

Халқаро тажрибадан маълумки, бюджет харажатларининг самардорлиги ва натижадорлигини оширишда дастурий бюджетлаштириш тизимининг аҳамияти катта.

Мамакатимизда ҳам айна шу боис мазкур тизимни йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Табиийки, бунда энг аввало мутахассислар малакаси муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб,

Дастурий бюджетлаштириш нима учун керак?

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш йўллари хусусида сўз юритилди. Унда 37 та вазирлик ва идоранинг 60 нафар масъул ходими иштирок этди. Тадбирда давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг самардорлиги ҳамда натижадорлигини таъминлаш, мақсадли индикаторларни баҳолаш ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича мутахассисларнинг институционал салоҳиятини кўтаришга асосий эътибор қаратилди.

Вазирлик масъуллари томонидан мазкур тизимни жорий этиш амалиёти ва истиқболдаги режалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тушунтирилганидек, дастурий бюджетлаштириш турли ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга мақсадлар учун бюджет харажатларини дастурлар кесимида тақсимлаш ва уларни баҳолаш учун мақсадли индикаторларни белгилашдан иборат. Бинобарин, бу дастурлар вазирлик ва идоралар ёки ҳукуматнинг стратегик мақсадларига эришишга хизмат қилади. Мазкур механизм бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда стратегик мақсадлар асосида ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш самаралари билан бюджет харажатларини тақсимлаш жараёнининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган, бюджет ижросини режалаштириш, бажариш ва назорат қилиш воситаси ҳисобланади. Индикаторлар эса дастурларда белгиланган

мақсадларга пировардида эришилаётган сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичдир. Бу жараёндаги якуний натижа кўрсаткичи эришилаётган асосий мақсадни тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, маблағ тақсимловчи органларнинг тегишли фаолият соҳасидаги вазиятининг сифат ва миқдорий ўзгаришини акс эттиради. Бундан ташқари, бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи ҳам

ларнинг функционал вазифаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурати кўзга ташланмоқда. Маълумотлар базасининг электронлаштирилмаганлиги, яъни оператив маълумотлар йиғиш имконининг йўқлиги ҳам бор гап. Республика ва маҳаллий бюджетни шакллантиришдаги муаммолар — вазирлик ва идоралар томонидан ушбу ташаббус қўлаб-қувватланмаслиги, индикаторларни баҳолашда вазирлик ходимлари ва ички аудит хизматлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкинлиги ҳам кузатилаётган. Шулардан келиб чиқиб, ҳозир дастурий бюд-



мавжуд ва у бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳамда ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товарлар ҳажмини ифодалайди.

Ташкилотчиларнинг эътирофича, тизимни тўлиқ жорий этишда дуч келинадиган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ходимларнинг бир нечта дастурдан иш ҳақи олиши, штат жадвалларини бюджет дастурлари кесимида тақсимлаш, давлат харидлари жараёнидаги айрим муаммолар, масалан, товар ва хизматларни етказишнинг кечикиши туфайли соҳа ходимларига иш ҳақи берилишида кечикишнинг содир бўлиши, вазирликларда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир. Бундан ташқари, вазирликларнинг функционал вазифалари бўйича структураси, ходим-

жетлаштириш тизимини жорий этишда маблағ тақсимловчиларнинг дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самардорлигини баҳолаш тартибига оид қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган. У билан тасдиқланадиган низом бир қатор вазифаларни ўз ичига олган. Унда бюджет дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш, ижроси ва мониторингини юритиш, жамланма ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш, очиқлигини таъминлаш қоидалари кўрсатилмоқда. Бундан кутулаётган натижага кўра, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналишлари ва барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтирилаётган маблағларнинг миқдорини аниқлаш имконияти, турли ижтимоий-иқтисодий йўналишларда бел-

гиланган мақсад ва вазифаларга эришилиши бўйича доимий мониторинг тизими, бюджет харажатларининг самардорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда бу жараёни баҳолаш механизми яратилади. Алоҳида ургўлаб ўтилаганидек, 2024-2025 йилларда вазирлик ва идоралар харажатларини бюджет дастурлари асосида босқич-ма-босқич ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳисоботларнинг қуйидан юқорига тўғри шаклланишини тўлиқ автоматлаштириш, маҳаллий бюджет харажатларини бюджет дастурлари асосида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган.

Семинар иштирокчилари эътиборига бюджет дастурларининг ресурсларга бўлган эҳтиёжини ва дастурларнинг қийматини аниқлаш бўйича маълумотлар ҳам ҳавола этилди. Хусусан, дастур нархини баҳолаш босқичлари кичик дастур (ёки тадбир) мавжуд ёки янги эканлигини аниқлаш, нима ишлаб чиқарилаётганини, бевосита натижаларни аниқлаш, ушбу натижалар бирлигига тўғридан-тўғри харажатларни баҳолаш, мазкур натижаларни олиш учун билвосита харажатларни ҳисоблаб чиқишни ўз ичига олади. Шулар асосида бюджет дастури паспорти яратилади. Унда дастур мақсади ва вазифалари, муддати, якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари, қамраб олинган аҳоли тоифаси, дастурни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омиллар, охириги 2 йилги ва келгуси 3 йил давомидаги дастур бюджети, 3 йиллик молиялаштириш манбаси ва суммаси кўрсатилади.

Икки кунлик тадбирнинг якуний эътирофига кўра, дастурий бюджетлаштириш тизимидан фойдаланиш натижасида вазирлик (идора)ларга ажратилган бюджет маблағларининг самардорлиги ва натижадорлигини баҳолаш механизми яратилади, бу йўналишдаги парламент ва жамоатчилик олдидagi ҳисобдорлиги ошади. Давлат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда грант маблағлари сарфланишида шаффофлик ва очиқликка, бюджет лойиҳасини тузишда, уни қабул қилишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиявий мустақиллигига эришилади.

Замира ТОЖИЕВА.

Президентимиз Ш. Мирзиёев шу йил 1 февраль кунини Андижон вилоятига ташрифи доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли сонининг ўсиши билан электр истеъмоли ортиб бораётганини, бу борада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш, қуёш, шамолдан электр энергияси олишга қаратилган лойиҳаларни ҳамда гидроэлектр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берган эди.

Ана шу топшириқлардан келиб чиқиб, Андижон вилоятида 2023 йилда жами 79,3 МВт қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиш белгиланган. Айни кунга қадар амалда 45,2 МВт қуёш панеллари ўрнатилди. Жумладан, 817 та ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларига 16,3 МВт қувватли, 1 минг 347 та тадбиркорлик субъектларининг бино ва иншоотларига 14,6 МВт қувватли, 8 минг 224 та аҳоли хонадонларига 14,1 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг май ойида Хитой Халқ Республикасининг “Powerchina International Group Limited” компанияси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги ўртасида 2023-2024 йилларда Андижон вилоятида қуввати 400 МВтга тенг фотоэлектр станцияси қуриш бўйича уч томонлама меморандум имзоланди.

Бензин ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда

Ушбу меморандумга кўра, Янги Андижон шаҳри массивида фотоэлектр станцияси қурилиши белгиланган. Айни кунда ушбу лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Станциянинг дастлабки 100 МВт қуввати 2024 йил 1 апрелга қадар, умуман, станция келгуси йилнинг охирига қадар тўла қувват билан ишга туширилади.

Мазкур фотоэлектр станция ишга тушгандан сўнг йилига 700 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Натижада 212 миллион куб метр табиий газ тежалди, атмосферага 294 минг тонна зарарли иссиқхона газлари чиқишининг олди олинади.

Шунингдек, яна бир Хитой Халқ Республикаси компанияси билан эришилган келишувга кўра, барпо этилаётган “Саноат хаби”да “Андижон яшил энергия” масъулияти чекланган жамияти хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларга тенг лойиҳа доирасида қуёш панеллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қурилиши ишлари якунланмоқда. Ушбу корхона ишга туши-

ши билан 200 та янги иш ўрни яратилади, кунига 500 кВт қувватга эга қуёш панеллари ишлаб чиқарилади.

“Андижон яшил энергия” МЧЖ томонидан вилоятдаги 105 та ижтимоий соҳа муассасасига 4,5 МВтли қуёш панеллари



ўрнатилди. Бундан ташқари, яна 195 та магистраль йўл бўйи ва чекка-чекка қишлоқлардаги мактаб, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 3,6 МВт қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Президент топшириғидан келиб чиқиб, вилоятда 41 та микро гидро электр станцияларини қуриш ва ишга тушириш белгилаб олинган. Бугунги кунда хитойлик, россиялик мутахас-

сислар жалб этилиб, мазкур йўналишда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан қуввати 8,2 МВт бўлган 5 та гидро электростанцияси қурилмақда. Бугунги кунга қадар қуввати 250 МВт бўлган Андижон ва Олтинкўл туманларидаги 2 та ГЭС ишга туширилди.

Шунингдек, ҳозирда 3 та лойиҳа доирасида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Шундан қуввати 1 МВт бўлган 2 та лойиҳа Хонобод шаҳри ва Олтинкўл туманида жорий йилнинг декабрь ойида ишга туширилади. Булоқбоши туманидаги 6,9 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси 2024 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам қатор лойиҳалар доирасида ҳудудларда микро ва кичик ГЭСлар қурилиши белгиланган. Бугунги кунда қуввати 26 МВт бўлган 16 та ГЭС қурилиши олиб борилмоқда.

Масалан, “Қодир текстил” МЧЖ томонидан ўз маблағлари ҳисобидан Избоскан тумани ҳудудидаги Катта Фарғона каналида йилига 3,2 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга “Пойтуғ” микро ГЭСи қурилиш амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа 2024 йил май ойида якунига етказилади.

“Пойтуғ” ГЭС ишга тушиши билан 5 мингта хонадон узлуksиз экологик тоза электр энергияси билан таъминланади ва 3,2 миллион метр/куб табиий газ иқтисод қилинади.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ: МАЖБУРИЯТЛАР АНИҚ КЎРСАТИЛМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда.

Хусусан, акциядорларнинг жамият фаолиятида иштирок этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартибини такомиллаштириш, корпоратив муносабатларга асосиз аралашувни чеклашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Шу билан бирга, хўжалик жамиятларининг ижро органи, кузатув кенгаши ва мажоритар акциядорларининг фидуциар мажбуриятларини ҳамда улар бўйича жавобгарликни аниқлаштириш зарурияти вужудга келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хўжалик жамиятларининг ижро органи, кузатув кенгаши ҳамда мажоритар акциядорлари (иштирокчилари)нинг масъулиятини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Амалдаги қонунчиликда юридик шахс бошқарув органларининг фидуциар мажбуриятлари қисман тартибга солинган ҳамда улар умумий тарзда баён қилинган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 45-моддасига асосан, қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ, юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўз вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 81-моддасида эса жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқарув аъзолари, шунингдек, ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозимлиги белгиланган. Хусусан, жами-

ят аффилиланган шахсларидан ҳисобланган жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахсларнинг жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш мажбурияти ҳам мазмунан фидуциар мажбурият ҳисобланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 647-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомда кузатув кенгаши аъзоларига татбиқ қилинадиган фидуциар мажбуриятлар жонқуярлик, содиқликни намоеъ қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, лозим даражада кўздан кечиришликка риоя этиш, мустақил мулоҳазадан фойдаланиш сифатида кўрсатилган. Бироқ, жамият кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи айнан қайси ҳолларда ҳалол ва оқилона, жамият манфаатларини кўзлаб иш боришининг муайян мезонлари мавжуд эмаслиги уларнинг ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) баҳо беришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Корпоратив бошқарувда бошқарув аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари дастлаб умумий ҳуқуқ тизими судьялари томонидан қўлланила бошланган бўлиб, мазкур тизим судьялари қонунни шарҳлаш ваколатига эгаллиги сабабли улар томонидан бошқарув аъзоларининг ҳалоллик ва виждонлилик билан ҳаракат қилганини умумий принципларга асосан баҳолаш имконияти мавжуд, холос. Шуларнинг барчаси инобатга олиниб, жамият бошқаруви аъзоларининг фидуциар мажбуриятларини белгилашда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаммолар юзага келишининг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизда бошқарув аъзоларининг фидуциар мажбуриятларини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Лойиҳани ишлаб чиқишда Буюк Британия, Америка

Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Грузия, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон тажрибаси ўрганилган. Хорижий давлатлар қонунчилигида хўжалик жамияти бошқарув органлари фидуциар мажбуриятларининг турли шакллари мавжуд.

Буюк Британиянинг “Компаниялар қонуни”да директорларнинг ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиш, компаниянинг муваффақиятини таъминлаш, мустақил қарорлар қабул қилиш, оқилона эҳтиёткорлик, маҳорат ва профессионаликни намойиш қилиш, манфаатлар тўқнашувидан қочиш, учинчи шахслардан моддий қимматликлар олмаслик, таклиф этилаётган битимда манфаати борлигини очиқлаш мажбуриятлари ўрин олган.

Хитойнинг “Компаниялар қонуни”да директорлар ва бошқа мансабдорларнинг компания маблағларини ноқонуний ишлатмаслик, компания билан шартнома ёки битим тузишни компаниянинг уставларини бузган ҳолда ёки акциядорлар кенгаши ёки умумий йиғилишининг розилигисиз амалга ошириш, ўз мавқеидан фойдаланиб, ўзи ёки бошқа шахслар учун компанияга тегишли бўлган тижорат имкониятларидан фойдаланмаслик, бошқа шахс ва компания ўртасидаги битимлардан комиссиялар олмаслик, компаниянинг сирларини рухсатсиз ошкор қилмаслик каби мажбуриятлар назарда тутилган.

Беларуснинг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги қонунда жамият органлари аъзоларининг очиқлик асосида ушбу жамият манфаати учун виждонан ва оқилона ҳаракат қилиш, хўжалик жамиятининг барча иштирокчиларига тенг ва адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш ёки ундан ушбу жамият уставига, қатнашчилар умумий йиғилиши ва директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) қарорларига мувофиқ фойдаланмаслик, шунингдек, шахсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик назарда тутилган.

Қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси 15 декабригача давом этади.

Ўз мухбиримиз тайёрлади.

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик кенгаяди

Бу ҳақда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” ҳамкорлик қўмитасининг 19-йиғилишида таъкидланди.

Тадбирга Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Бадриддин Абидов, Европа ташқи фаолият хизмати Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича директори ўринбосари Люк Девин ҳамраислигида ўтказилди.

Вазир ўринбосари мамлакатимиздаги ислохотлар, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизimini мустақамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳамда экологик муаммоларга қарши курашиш чораларига қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги тараққиётнинг асосий йўналишларига тўхтади. Хусусан, 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни 4 минг долларга етказиш, 110 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ялпи ички маҳсулотда саноат ва технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга ошириш, портфель инвестицияларнинг йилига 3-5 фоиз ўсишини таъминлаш каби устувор вазифаларни алоҳида ургулади.

Европа томони ўз навбатида ушбу мақсадларга эришишда мамлакатимизга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. Учрашув давомида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада кенгайтириш истиқболлари ҳамда 2024 йилга мўлжалланган шериклик масалалари кўриб чиқилди.

Молиявий-техник, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Асосий эътибор Европа Иттифоқининг умумий имтиёзлар тизими (GSP+) афзалликларидан фойдаланган ҳолда савдо тартиб-қоидаларини либераллаштириш ва соддалаштириш чора-тадбирларига қаратилди. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айрибошлаш ҳажмининг ўсиш динамикаси юқори баҳоланди. Зеро, жорий йилнинг 10 ойида икки томонлама савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 фоизга ошиб, 4,8 миллиард долларни ташкил этган. Бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш зарурлиги, Ўзбекистондан Европа

Иттифоқи мамлакатларига маҳсулот экспорти ҳажмининг ўсиши алоҳида таъкидланди. Шу ўринда 2021 йилдан буён бу кўрсаткич 1,5 баробарга ошиб, 2022 йил охирида 794,6 миллион долларга етгани далили келтириб ўтилди.

Бундан ташқари, энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, 2030 йилга бориб юртимиз иқтисодийнинг энергия сизимини 1,5 баробарга камайтириш ва энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш



асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу йўналишда давлат-хусусий шериклик асосида умумий қуввати 11,5 ГВт бўлган йирик қуёш ва шамол электр станцияларини куриш бўйича 28 та шартнома тузилган. Умумий қуввати 12,8 ГВт бўлган яна 16 та лойиҳа бўйича ишлар ва музокаралар олиб борилаётган. Европа томони “яшил энергия” лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур маслаҳат ёрдамини кўрсатмоқда.

Юк ташиш ва логистика соҳасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз юритилиб, Европа томони Транскаспий халқаро транспорт йўналишини ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг транспорт йўлакларини диверсификация қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини баён қилди.

Тадбир якунида савдо-иқтисодий ва сармоявий йўналишлардаги ҳамкорлик бўйича тегишли ҳужжатларни шакллантириш орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро шериклик учун қулай муҳитни янада яхшилаш муҳимлиги эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз.

Бирашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотига кўра, 2023 йил ноябрь ойида озиқ-овқат нархи индексининг ўртача қиймати янгиланган октябрь даражасига нисбатан ўзгармаган. Ўсимлик мойи, сут маҳсулотлари ва шакар нархи индекси ўсиши дон ва гўшт маҳсулотлари кўрсаткичи пасайиши ҳисобига қопланди. Шу тариқа индекс қиймати ўтган йилнинг мос даражасидан 10,7 фоиз паст бўлди.

ФАО нарх ўзгаришларини эълон қилди

Дон баҳоси индекси қиймати 3 фоиз камайди. Бунга қисман Аргентинада фермер хўжаликлари кўпайиши, АҚШ, Аргентина ва Австралияда мавсумий таклиф ўсиши ва давом этаётган шиддатли рақобат туфайли бугдой нархи кескин тушиши сабаб бўлди.

2023 йил глобал дон етиштириш 2,823 миллион тоннани ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Бу 2021 йилдаги рекорддан 10,3 миллион тонна юқори.

Ноябрь ойида ўсимлик мойи нархи индексининг қиймати, уч ойлик доимий пасайишдан сўнг, октябрга нисбатан 3,4 фоиз ошди. Палма ва кунгабоқар ёғи жаҳон нархининг ошиши соя ва колза мойи котировкаси пасайишини қоплади.

Октябрь ойидан бошлаб сут маҳсулотлари нархи индекси 2,2 фоиз ошди. Ўсиш кетма-кет иккинчи ой давом этмоқда, аммо бу қиймат ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,9 фоиз паст.

Сариёғ ва ёғсиз сут қуқунига жаҳон нархи ўсиши Шимолий-Шарқий Осиёдан импорт талаби юқорилиги, чекланган етказиб бериш ва Ғарбий Европада қишқи ташти олдиқдан ички талаб ортиши билан боғлиқ.

Ноябрь ойида гўшт нархи индексининг ўртача кўрсаткичи октябрь ойига нисбатан бир оз паст бўлди. Парранда, чўчка ва мол гўшти нархи бироз тушишини акс эттирди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш ва етказиб бериш юқорилиги билан изоҳланади.

Ноябрь ойида шакар нархи индексининг ўртача қиймати 1,4 фоиз ўсиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 41,1 фоиз кўпайди. Шакар нархида қайд этилган ўсиш, асосан, жорий мавсумда, эҳтимол, Ал-Нинё ҳодисаси туфайли юзага келган кучли қурғоқчилик туфайли экспорт таклифи қисқариши кутилаётгани билан боғлиқ.

Кундан кунга статистиканинг нафақат мамлакатлар даражасидаги балки халқаро даражадаги ўрни ошиб бормоқда. Бу тенденция глобал даражада ривожланиш ҳолатини кўриш, мониторинг қилиш ва ундан келиб чиққан ҳолда самарали қарор қабул қилишнинг қанчалар муҳимлиги билан ифодаланади.

Умуман олганда, халқаро ташкилотлар уч тоифага ажралиб, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) таркибига кирувчи ихтисослашган (БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва б.) халқаро ташкилотлар, БМТ таркибига кирмаган халқаро ташкилотлар (Халқаро савдо ташкилоти, МАГАТЭ, Халқаро миграция ташкилоти ва ҳ.к.) ва алоҳида ихтисослашган халқаро ташкилотлардан (Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, ФАО ва б.) иборат бўлади.

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳам фаолият юритади. Шунингдек, халқаро ташкилотлар глобал (БМТ Статистика комиссияси ва б.) ва минтақавий (МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, Евростат, Осие ва Тинч океани минтақаси бўйича ижтимоий-иқтисодий комиссия ва б.) кўринишда бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир халқаро ташкилотнинг асосий функцияларидан келиб чиқиб, тегишли статистика маълумотларини юритиш бўйича статистика бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Ушбу ташкилотларнинг статистика соҳасидаги тутган ўрни жуда катта бўлиб, соҳадаги халқаро стандартлар, тавсиялар, кўрсатмалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқишда ҳамда уларни мамлакатлар миқёсида имплементация қилинишида кўмаклашишади.

БМТ Статистика комиссияси бу борада энг нуфузли ва юқори ташкилот ҳисобланади. БМТ Статистика комиссиясининг йилда бир марта бўлиб ўтадиган сессия йиғилишларида соҳага доир халқаро стандартлар ва тавсиялар тасдиқланади ҳамда ўзгартиришлар киритилади. БМТ Статистика комиссияси томонидан маъқулланадиган ҳужжатлар тавсиявий характерга эга бўлади. Шунингдек, БМТ таркибига кирмаган халқаро ташкилотлар ва алоҳида ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан ҳам соҳага доир халқаро стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Халқаро даражада статистика соҳасида методологик жиҳатдан содир бўлаётган янгиликларга тўхталадиган бўлсак, авваламбор халқаро статистик стандарт ва мамлакатдаги иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизими ҳисобланган Миллий ҳисоблар тизимининг янги шакли МХТ-2025 ишлаб чиқилаётганлигини айтиб ўтишимиз керак. Ҳозирги кунда амалиётда МХТ-1993 ва МХТ-2008 қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси МХТ-2008 ни тўлиқ амалиётга жорий қилган ҳамда янги МХТ-2025нинг БМТ Статистика бўлими ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилишида фаол иштирок этмоқда.

БМТ Статистика комиссиясининг 2023 йил 28 февраль кунини бўлиб ўтган сўнгги 54-сессиясида “Яқин 10 йилликда уй хўжаликлари танланма кузатувларини ташкил этиш услублари” муҳокама қилинди. Унга кўра уй хўжаликлари танланма кузатувларини такшил этишда янги услублардан, яъни Компьютердан фойдаланиб жойига чиққан ҳолда (Computer-Assisted Personal Interviews - CAPI), Компьютердан фойдаланиб телефон орқали (Computer-assisted telephone interviewing - CATI) ва Компьютердан фойдаланиб онлайн

(Computer-assisted web interviewing - CAWI) кузатувларни ўтказиш ҳамда танланма кузатувларда сунъий интеллект имкониятларини қўллаш бўйича тавсиялар берилмоқда.

Халқаро миқёсда иқтисодий статистика қўламини кенгайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, инклюзив ва барқарор ўсишни тўлиқроқ акс эттира оладиган янги иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва анъанавий Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан ташқари-га чиққан ҳолда (Indicators Beyond GDP)

Сўнгги йиллардаги халқаро статистикадаги янгилик ва ўзгаришлар



уларнинг тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодийёт ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни тушуниш ва атроф-муҳит активлари захирасини тавсифлаш учун кўп мақсади концептуал асос деб ҳисобланадиган Экологик-иқтисодий ҳисоб тизими (System of Environmental-Economic Accounting - SEEA) 5 та муҳим йўналишда такомиллаштирилмоқда. Бунда, Канада Статистика идораси мазкур фаолиятни координация қилишда, Нидерландия Статистика идораси услубий асосларни ишлаб чиқишда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотлар базаларини яратишда, Осие ва Тинч Океани минтақаси Статистика институти SEEAни жорий қилиш ва салоҳиятни оширишда, ҳамда SEEA бугалтерия ҳисобини юритиш ва такомиллаштириш борасида Мексика Миллий статистика ва география институти иш олиб бормоқда.

Шунингдек, БМТ Статистика комиссияси ҳузуридаги Халқаро статистик таснифлагичлар бўйича экспертлар Қўмитаси томонидан Иқтисодий фаолият турларининг халқаро стандарт саноат таснифлагичи 5-версияси (International Standard Industrial Classification of All Economic Activities - ISIC-5), Асосий маҳсулотлар таснифлагичи (Central Product Classification - CPC) ва Статистик фаолият таснифлагичларининг (Classification of Statistical Activities - CSA) қайта кўриб чиқиш жараёнлари тамомланди ва Халқаро энергия маҳсулотлари таснифлагичи (Standard International Energy Product Classification - SIEC), Ҳукумат функциялари таснифлагичларини (Classification of the Functions of Government - COFOG) қайта кўриб чиқиш ишлари бошланди.

Ушбу соҳавий таснифлагичларнинг халқаро даражада тасдиқланиши статистика соҳасидаги методологик асосларнинг сезиларли даражада такомиллаштирилишига туртки бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (IFUT) ва Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг статистик таснифлагичларини (MST) янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати тугилади.

Статистика органлари фаолиятига статистик жараёнларни тартибга солиш ва ишлаб чиқарилаётган статистик маълумотларнинг сифатини ошириш мақсадида сифат моделларини жорий қилиш оммалашиб бормоқда. Бу каби моделларга GSIM ва GSBPMларни мисол қилиб келтириш мумкин.

GSIM – расмий статистика маълумотларини тайёрлаш ва тарқатиш жараёнида қўлланиладиган ахборот объектларининг қисмларини тавсифловчи асосий тушунчалар, белгилар ҳамда муносабатларнинг яғо

на маълумотнома тизимини ташкил қиладиган терминологик ва концептуал модель ҳисобланади. У 1999 йилда БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси, Дания, Норвегия, Швеция ва Швейцария томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Модел такомиллаштириб бориладиган ва 2-версияси 2016 йил 14 декабрдан кучга

кирган.

GSBPM – Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнларининг намунавий модели (Generic Statistical Business Process Model) бўлиб, расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқариш учун амалга оширилиши зарур бўлган барча босқичлар ва жараёнлар тўпламини тавсифлайди ва белгилаб беради.

Маъмурий маълумотлар – бу давлат ёки хусусий сектор ташкилотлари томонидан ўзларининг доимий фаолиятлари доирасида тўпланган маълумотлар. Масалан, тугилиш ва ўлим қайдлари, солиқ маълумотлари, товарлар ва одамларнинг чегарадан ўтиши ҳақидаги маълумотлар, сунъий йўдошлар томонидан тўпланган маълумотлар ва ҳ.к. Сўнгги йилларда статистика органлари маъмурий маълумотлардан кузатув маълумотлари ўрнига ёки уларни тўлдириш учун ва статистика жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиб келишмоқда. Маъмурий маълумотлардан оқилона фойдаланиш маълумотлар сифатини яхшилаш, янги ва доимий ахборот эҳтиёжларини қондириш, маълумотларни йиғиш харажатларини камайтириш ва кузатувларда иштирок этадиган респондентлар учун вақтни тежаш имконини беради.

21 асрада Тараққиёт учун статистика соҳасида ҳамкорлик ташкилоти (PARIS21)га кўра Фуқаролар томонидан яратилган маълумотлар (Citizen generated data - CGD), яъни одамлар уларга таъсир кўрсатадиган омиллар, муаммолар ва жараёнларни тўғридан-тўғри кузатиши, иштирок этиши ва ўзгартириш киритиши орқали шаклландиган маълумотлар бугунги кундаги маълумотлардаги бўшлиқларни тўлдириш учун катта имкониятларга эга. Улар энг чеккаланган аҳоли қатламларини қамраб олиш, мураккаб соҳалар бўйича маълумотлар бўшлиқларини тўлдириш, фойдаланувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва расмий статистикага ишончли ошириш имкониятига эга.

2022 йил март ойида йиғилган БМТ Статистика комиссияси маълумотлар бўшлиқларини тўлдиришда CGD қийматини тан олган ва юқори баҳолаган. Миллий статистика идоралари расмий статисти-

кани яхшилаш учун CGD билан тажриба ўтказмоқда. Мисол учун, Филиппин Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ) Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтиш мақсади (12-мақсад) доирасида CGD қўлланилиши учун мос бўлган бир нечта кўрсаткичларни аниқлади ва улардан фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунда статистикада геофазовий маълумотларни қўллаш ва статистик маълумотлар билан интеграция қилиш соҳада янги бир устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Геофазовий

маълумотлар – бу ер юзасида ёки унинг яқинида жойлашган объектлар, ҳодисалар ёки бошқа хусусиятларни тавсифловчи маълумотлар бўлиб, улар одатда жойлашув маълумотларини ва атрибут маълумотлари билан бирлаштирилади. Такдим этилган жой қисқа муддатда статик (масалан, объектнинг жойлашуви, зилзила ҳудуди, қашшоқликда яшовчи аҳоли ва б.) ёки динамик (масалан, ҳаракатланувчи транспорт воситаси ёки пиёда, юқумли касалликнинг тарқалиши ва б.) бўлиши мумкин.

Геофазовий маълумотлар одатда турли форматларда турли хил манбалардан тўпланган маълумотларнинг катта тўпламини ўз ичига олади ва аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, сунъий йўдош тасвирлари, об-ҳаво маълумотлари, уяли телефон маълумотлари ва ижтимоий медиа маълумотлари каби билан интеграция қилинганда визуал кўринишга эга бўлган маълумотлар яратилади.

Катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) ва Сунъий интелект (Artificial Intelligence - AI) технологиялари ҳам соҳага шиддат билан кириб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб Бразилия, Хитой, Руанда, Бирлашган Араб Амириклари ва Индонезияда минтақавий Катта маълумотлар ҳаблари (Big Data Hub) мавжуд бўлиб, улар расмий статистиклар ҳамжамиятини минтақавий даражада бирлаштирилади. Тил ва ривожланиш босқичлари ўхшаш бўлган давлатлар статистик маълумотлар ва Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларини тузиш учун катта маълумотлардан фойдаланган ҳолда қўшма лойиҳалар устида биргаликда иш олиб борадилар.

Бундан ташқари, мазкур Катта маълумотлар ҳаблари сканер маълумотлари, масофадан зондаш маълумотлари, мобиль алоқа маълумотлари, маъмурий маълумотлар ва электрон тижорат платформаларидан транзакция маълумотларига асосланган инновацион маълумотлар ечимлари бўйича тадқиқотлар олиб боради ва кўп соҳаларда муваффақият ва натижаларга эришиб келишмоқда.

Мобиль телефон маълумотлари катта маълумотларга яққол мисол бўла олади ва улар инсоннинг ҳаракатчанлигини ўлчаш учун жуда мос келади ва анъанавий маълумотлар манбалари, масалан, кузатувлар ва маъмурий маълумотлар учун тўлдирувчи ёки ҳатто ўрнини босувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Ҳозирда кўчиш ва табиий офатлар статистикаси, аҳолининг динамик харитасини тузиш, ахборот жамиятини ўлчаш, миграция статистикаси ва туризм статистикаси учун мобил телефон маълумотларидан фойдаланиш бўйича бир қанча услубий қўлланмалар яратилган.

Шу каби соҳадаги илғор ўзгаришларга бағишланган Миллий статистика идоралари учун Европанинг Шарқий ва Марказий Осие мамлакатлари билан дўстона кўшничилик сиёсати доирасида Статистика тизимини модернизация қилиш бўйича

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қозғалар бозори
- иштирокчиларининг муҳим факлари
- Банкротлик

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 1 декабрдаги ҳал қилув қарорларига биноан Зомин туманидаги “Abduvoxid Boshmonov” МЧЖ (СТИР 511098475)га нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг умумий таомили тугатишга доир иш очилиб тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Хайдаров Ҳасан Собирович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой (бир) муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 2-сонли йиғилиши 12.01.2024 йил соат 10.00 да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 6-қават, 6-хонада бўлиб ўтади. Суд бошқарувчисининг манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 6-қават. Тел.: 99-504-87-73.

Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 1 декабрдаги ажримлари билан Кегейли туманидаги “Adilbek-Abdibek tamarga xizmeti” МЧЖ (308308874) 4-2303-2302/658, “Qadir Oy” фермер хўжалиги (СТИР 305098998) 4-2303-2302/659, “Esemurat doktor” фермер хўжалиги (СТИР 303771051) 4-2303-2302/660, “Adil Tamarxa xizmet agrologistik” МЧЖ (309249569) 4-2303-2302/661, “Kegeyle agro-pilla” МЧЖ (305174294) 4-2303-2302/662, Чимбой туманидаги ЯТТ “Saliyeva Almagul Djalievna” (563223507) 4-2303-2302/663, ЯТТ “Saburov Ulugbek Bazarbaevish” (531836069) 4-2303-2302/664, “Uzakbay Mamishov” фермер хўжалиги (СТИР 304595340) 4-2303-2302/665, “Aysulu Bagda” фермер хўжалиги (СТИР 304596728) 4-2303-2302/666 ушбу фермер хўжаликлар, жамиятлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тугатиш бошқарувчиси алмаштирилиб, тугатиш бошқарувчиси этиб Я.В. Рўзметов тайинланди.

Ушбу муносабат билан талаблар эълон чиққан кундан эътиборан фермер хўжаликлар, жамиятлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Амударё кўчаси, 9-а уй.
Мурожаат учун тел./телеграм: 99-454-44-52.

Определением Чимбайского межрайонного экономического суда от 7 декабря сего года дело о неплатежеспособности должника ООО «Agro biznes bozotaw» (ИНН 306924965) переведено на общий вид ликвидации и ликвидационным управляющим назначен Б.Н. Алламуратов. В связи с чем очередное собрание кредиторов состоится в 11-00 12.01.2024 г. в здании ГНУ РК. **Повестка дня:** утверждение реестра кредиторов должника; отчет ликвидационного управляющего; утверждение календарного плана должника; утверждение аудиторской и оценочной организаций и стоимости их обслуживания; утверждение размера заработной платы ликвидационного управляющего. Требования и заявки от кредиторов, а также от дебиторов принимаются в течение месяца со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г.Нукус, ул. Поэта Жанабая, 46, тел. (97) 789-15-06.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан “Best Treal” МЧЖ (СТИР 309341749), “Big Brilyant Future” МЧЖ (СТИР 307868679), “Board Group” МЧЖ (СТИР 306762757), “Credit Innavor” МЧЖ (СТИР 307062883), “Dunyo-Omad-Trade” МЧЖ (СТИР 308166966), “Elkaminosistem” МЧЖ (СТИР 308976361), “Enter Constructors” МЧЖ (СТИР 309945257), “Ezoza Ravnaq” МЧЖ (СТИР 304675770), “Food Fruit and Board” МЧЖ (СТИР 307916713), “Hilol Sharqiy Biznes” МЧЖ (СТИР 306558503), “Ideal Chicken” МЧЖ (СТИР 303398071), “Living” МЧЖ (СТИР 306984156), “Miraj Omad Business” МЧЖ (СТИР 305692584), “Omad Fayz Dunyo” МЧЖ (СТИР 307984052), “Shoxmalik Kapital” МЧЖ (СТИР 305897107) ва Кўйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан “Vekpro” МЧЖ (СТИР 305071945) ушбу корхоналар тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартибда тугатиш таомили жорий этилди ва И.Исмаилов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Ушбу субъектларнинг раҳбарлари ишдан бўшатилмагани ва думалоқ муҳри, штампи тугатиш бошқарувчисига 3 кун ичида тақдим қилинмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Қарздорга нисбатан барча талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 3 кун ичида Зангиота тумани, Обод турмуш маҳалласи, 172-хонадонга юборилиши мумкин. Тел.: 94-823-01-59.

Кредиторларнинг умумий йиғилиши 1.03.2024 йилда 15.00 да Зангиота туманлараро иқтисодий суд биносида ўтказилади.

Иштихон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 9 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Иштихон туманида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар “Dilfuz” МЧЖ, “Ishtixon Angus zotlari” МЧЖ, “Ideal servis Ishtixon” МЧЖ, “Avtaritet 111” МЧЖ, “Art primer technologes” МЧЖ, “Boliyev Alisher bog'lari” ФХ, “Qorlisoy naslli chorvalari” ФХ, “Etti xazina” ФХ 2023 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Иштихон туманида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъекти “Iskandarbek fayzli zamini” ФХ тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Хасанов Олим Уролович тайинланган.

Кредиторлар талаблари бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2024 йил 11 январь куни соат 11.30 да Самарқанд волияти Солиқ бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома ва қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат билан қатнашишлари мумкин. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан корхонанинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомнинг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ҳамда бурчак тамга ҳамда мол-мулкларни тасдиқловчи ҳужжатлар эълон чиққан кундан уч кун муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқотилган деб эътироф этилиб, бекор қилинган ҳисобланади. **Мурожаат учун телефон:** 91-188-22-55.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 05.12.2023 йилдаги 4-1001-2317/62662-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Foreman” (СТИР 308099187) МЧЖга нисбатан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган.

Тугатиш ишларини амалга ошириш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси Мадрахимов Абдоржон Алимжанович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

“Foreman” МЧЖ кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2024 йил 11 январь куни соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 17-квартал, 31-уй, 60-хонада бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: 93-443-00-03.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 05.12.2023 йилдаги 4-1001-2317/62662-сонли ҳал қилув қарорлари билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. “Foreman” МЧЖ тугатиш ишлари юзасидан тугатиш режаси, намунавий календар иш режаси, харажатлар сметаси, штарлар жадвалини тасдиқлаш.
4. Жамият молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун аудитор ташкилоти билан шартнома тузиш.
5. Жамиятнинг мол-мулкларни аниқланган тақдирда баҳолаш учун баҳолаш ташкилоти билан шартнома тузиш.
6. “Foreman” МЧЖ тугатиш бошқарувчиси иш ҳақини белгилаш.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг ҳулосасини кўриб чиқиш.
8. Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқадиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади. Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

